

Marifat

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1993 йил 13 январь, ЧОРШАНБА

№ 3 (6514).
Баҳоси 4 сўм.

БИЛИМ ВА ЭЪТИҚОД БИРЛИГИ

Маҳсума Абдуқаҳҳорова тажрибали тарих ўқитувчиси. Унинг педагогик фаолиятига 19 йил тўлди. Бу давр ҳар жиҳатдан ўсиш, улғайиш, камолот қўқилари сари кўтарилиш палласи бўлди.

— Ҳозир ўқитувчилик жуда катта масъулият талаб қилади, — дейди у. — Айниқса, тарих ўқитувчиларига осон тўтиб бўлмайди. Яқиндагина яратилган дарслик ва қўлланмалар бугунги кунда эскириб қоляпти. Тарихта янгича назар ташлаш, болаларга бор ҳақиқатни рўйрост айтиш керак. Бунинг учун ўқитувчи ўз устида кўп ишлаши, тиймай ўқиши, ўрганиши лозим...

Республикамиз пойтахтидаги 146-ўрта мактабнинг 1-тоифали катта ўқитувчиси М. Абдуқаҳҳорова ўз дарсларида таълимнинг техника воситаларидан, кўргазмалар қуроллардан самарали фойдаланиш туғайли ўқувчиларга атрофлича билим бермоқда ва бу билимнинг эътиқодга айланишига ҳаракат қилмоқда.

Ижодкор ўқитувчи вақти-вақти билан ўз ҳамкасбларининг дарсларини кузатади. Ўрни билан ёш ўқитувчиларга маслаҳат ва йўл-йўриқлар бериб боради.

СУРАТДА: М. АБДУҚАҲҲОРОВА дарсада.

Р. АЛЬБЕКОВ олган тасвир.



ОЧИЛАЁТГАН ГУЛЛАР

ҚАРШИ ШАҲРИДАГИ НАФИС САҢЪАТ ЛИЦЕИДАН

РЕПОРТАЖ

Қашқадарё марказидаги Гафур Ғулом номи 21-ўрта мактабда Нафис санъат лицейи очилган. Лицейнинг директори Самад Аҳадов билан шонир. Амир Худойбердиевнинг тинч йўқолди. Ёз ойлари ҳам югур-югурлар билан ўтиб кетди ва ниҳоят сентябрдан орзунинг кўзи очилди: Қарши шаҳар халқ таълими бўлими лицей учун эски кашшофлар уйини ажратиб берди. Эски бўлса ҳам жой бор, хоналар етарли.

— Ҳақиқат ва тўғрилиқни биринчи иш кундан бошлаймиз, — деди лицейнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Амир Худойбердиев. Директор Самад ака уни қўллаб-қувватлади. Иш бошланди. Қарши шаҳар ва Қарши тумани мактабларидан санъат ва нафосатга интилувчан иқтидорли болалардан ўтасинчовлик, ҳақиқий талов йўли билан 72 бола ўқув масканига тортилди. Уларнинг ўз истак ва иқтидорларига қараб тўрт йўналишда: она тили ва адабиёт, инглиз тили, театр ва расомлик ҳамда мусиқа, халқ амалии санъати — меъморчилик соҳаларида чуқурлашган назарий ва амалии билим оладиган бўлилар.

— Дастурлар, адабиётлардан қиналмайсизларми? — Тўғри, қийинчиликлар бўлди, — жавоб қилди Амир Худойбердиев. — Бизга Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номи Нафис санъат мактаби бу соҳада катта ёрдам берди. Улардан олган дастурларини асосда ўзимизнинг икониётларимизга мос дастурлар тузиб олдик. Бу борада бизга Қарши дорилфунунининг ўқитувчи ва профессорлари, театр ходимлари яқиндан ёрдам бердилар.

Ҳақиқий талантнинг кўз очини учун билимдон, кузқон устозлар ҳам зарур. Шу боис лицейга она тили ва адабиёт бўйича дорилфунун профессори Тўра Нафисов, инглиз тилидан шу дорилфунун доцентлари Рўзи Қиёмов, Нўлдўшбой Темировлар, мусиқа соҳасида дорилфунун мусиқа ўқитиш назарияси ва тарихи кафедрасининг муддир доцент Иброҳим Самин Азиз ўғли, Қашқадарё «Мулоқот» те-

атрининг бош режиссёри Абдурахмон Абдуназаров, кулчилик ва наққошлик соҳасида хотин-қизлар орасида ягона олий маълумотли мутахассис Раъно Сайфиддинова ва расом Нурмон Бердиевлар таклиф қилиндилар.

Лицейда умумий фанларнинг ҳам ўқитилиши ёмон эмас. Шетлар машқ қилувчи болалар билан иқтидорли шонир Амир Худойбердиев, журналистика қизиқувчилар билан журналист-ёзувчи Норкул Тилововлар меҳр билан шуғулланаётдилар.

Хоналарни айланиб ўқитувчи Раъно Сайфиддинова раҳбарлик қилаётган наққошлар гуруҳига дуч келдик. Болалар ўқитувчи бошчилигида ўзлари ишлаган нақшлар ва кулчилик буюмларидан кўргазмалар тайёрлаётган экан. Улар томонидан чизилиб деворларга тартиб билан ўратилган нақшларни кўриб кўзимиз қувонади.

Ҳа, наққошлик ўта қийин санъат. Қадим Насафда наққошлик санъати ривожланган, ammo кейинчалик анча унутилиб кетган. Энди эса шу болакайлар уни қайта тиклашга шайланаётдилар. Улар улғайиб, Насаф келажги. Насаф гулкорлари бўлишса ажаб эрмас.

Толби илмлар Меҳринисо Анварованинг она тили ва адабиётдан, Юлдуз Тоштемурованинг инглиз тилидан анча ва пухта бераётган жавобларини эшитган, Алишер Раветов мўйқаламига мансуб рангдор суратларни кўрган, театр бўлимида келажакда актёр бўлиш умидида шуғулланаётган Хуршид Жаборовнинг монолоғларини тинглаган ҳар бир киши қувонади, албатта. Шу ўрнида мен иқтидорли болаларни гулга қисс қилгим келди. Ахир, синфдаги ўттиз бола ўттиз хил гул эмасми? Қирқта бўлса қирқ хил очилади-да! Ҳар кимнинг баҳорини берсин, дейман.

Лицейнинг ҳали ҳал бўлиши лозим бўлган қанчадан қанча муаммолари бор, албатта. Бироқ бу ўқув масканининг келажакга порлоқлигини ҳамма-ҳамма ҳозирнинг ўздаёқ таъ олаётир.

Баҳром МАҲМУДОВ.



«ФИДО» —
МЕҲМОНИМИЗ

Бўхоро шаҳридаги 24-мактаб-интернатга виллоят маорифчилари уйи ҳузурда ташкил этилган Собир Маҳмудов раҳбарлигидаги «Фидо» вокал чолгу дастаси жамоаси меҳмон бўлиб келди. Даста аъзолари ўзларининг кенг дастурдан иштироки билан шундан итиб, иштироки билан қалбларига хушхулдилик ва завқ-шавқ бағишладилар.

Хонандалардан Азим Юсупов, Акмал Шохпўлатов, Гулном Хасанова ва бошқалар ижро этган ўзбек, тожик, эрон, афғон халқ кўшиқлари томошабинлар томонидан севиб тингланди. Мактаб-интернат тарбияланувчиларидан Наргиза Мирзаева, Марат Қурбоновлар ижро этган куй-қўшиқлар ҳам барчага маъқул бўлди.

А. ҲАЙДАРОВ.

ҲАМКАСБЛАР ҚУВВАТЛАШДИ

Таълимни компьютерлаштиришнинг аҳамияти фойда катта. Аммо ўқув материалларини талабга жавоб бермаслиги кўпчиликни қийнаб қўймоқда. Пастдарғом туманидаги 33-мактаб ўқитувчиси Э. Отамуродов ва шу тумандаги 18-мактаб ўқитувчиси С. Отамуродовларнинг бу борадаги тинимсиз меҳнати ва излашлари зое кетмади: улар томонидан турли фанларни ўқитишда қўллаш мумкин бўлган йиғирмадан ортиқ дастур воситалари яратилди.

Бу дастурлар мажмуаси «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» курси бўйича ўтказилган дастурларнинг таркибий қисми сифатида ўқувчиларнинг алгоритм тушунишасини пухта ағаллашларига ёрдам берди.

Ўқув дастурлари ҳаракатланувчи моделлар, ҳаракатланувчи алгоритмлар, маълумоти графиклар, диаграммалар ва қизиқарли ўйинлардан таркиб топган. Дастур ўқитишда машқ қилиш учун савол-жавоб экран мавжуд. Бу «экран» ёрдамида ўқувчилар ўз билимларини текшириб кўрадилар ва баҳоладилар. Ижодкор ўқитувчилар Саидмурод ва Эркин Отамуродовларнинг мажмуа асосида дастур воситалари ўзига хос кўргазма қуроллар Республика кўрик-танловинда юксак баҳоладилар.

Яқинда Самарқанд виллоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти ташаббус билан Пастдарғом туманидаги Юсуф Авазов номи 33-ўрта мактабда илмий-амалий кенгаш ўтказилди. Кенгашда Саидмурод ва Эркин Отамуродовларнинг ижодий ҳисоботлари тингланди, ўқувчилар ва ўқитувчилар билан амалий машғуллотлар ўтказилди. Илгор ўқитувчилар касбдошларининг ўйлаб саволларига жавоб бердилар.

И. АБДИЕВ.

ҲУНАРМАНДЛАР ТАНЛОВИ

Анджонда ҳунармандларнинг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда ҳунарманд ҳамкасбларимиз ҳам муваффақият қатнашдилар. Садрхон Низомиддинова, Маҳбубахон Умарова каби чеварларни ўзига бирлаштирган 10 ХТБЮ кўрик-танловда 5000 сўмлик мукофотга сазовор бўлди. Шаҳардаги 5-мактаб муаллими Одилжон Маматкулов, 12-ХТБЮ ўқитувчиси Абдурахим Холқов, 37-ХТБЮ дан Исмонд Қўчқоров, 15- ва 29-мактаб муаллимлари ҳам кўриқда тахсинга сазовор буюмлар билан иштирок эттиди.

Сураткаш
Р. АЛЬБЕКОВ.



Қишқи каникулдан сўнг жонажон мактаби бағрига бир жаҳон завқ-шавқ билан қайтган бу болалар пойтахтимиздаги Аббор Ҳидоятлов номи мактабининг 3-синф ўқувчиларидир. Улар се-

ҚУРИЛИШДА БУРИЛИШ БЎЛАДИМИ?

Мактаб биноларини қуриш ларни белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш ҳамгина давлат аҳамиятига молик ишдир. Зеро, моддий базани мустаҳкамлашдан туриб, таълим ва тарбия сифатини амонавий талаблар даражасига кўтариш қийин. Замон талаби шундай экан, бу масала Хоразм виллоятининг Урганч туманида қандай ҳал қилинапти?

Калинин номи жамоа хўжалигида жойлашган «Комсомол» ўрта мактабда 1235 ўқувчи икки сменада таълим олди. Мактаб биноси эскирган. Бу илм маскани учун Чакнашолкор қишлоғида 1991 йил сентябрь ойида 1278 ўринли уч қаватли янги бино қурилиши бошланган эди. Мактаб 1 миллион 800 минг сўм маблағ билан битиши режалаштирилган эди. Аммо қурилиш материалларининг қимматлашиб кетиши сабабли ажратилган маблағ етмай қолди. Шу сабабли иккинчи қаватни қуришга киришилганда иш тақвият тўхтади. Янги ҳисоб-китоб бўйича мактабнинг лойиҳада белгиланган биносининг аўла кўриб, ишга тушириш учун андида 18 миллион сўм талаб қилинаркан. Бу пулни қаёқдан топиш керак?

«Комсомол» мактабнинг директори, жонқуяр ташкилотчи Юсуфбой Жуманиев «Олма шиш, оғзимга туш» деб қўл қовуштириб ўтирмади. Ердан сўраб Хоразм виллоят ҳокими ҳузурига йўл олди. Аҳволнинг жиддийлигини ёни билан кўтариш қийин. Ҳоким қабулдан юзиде табассум билан чиқди. Мактаб қурилиши 1993 йил январидан бошлаб тўла қувват билан давом

да уч қаватли 464 ўринли янги бино қурилиши бошланган эди. Шу кунгача биригичи корпуснинг бир қавати қад кўтарди, холос. Кейин нақ 6 ой қурилиш тўхтаб қолди. Биз объектка қадам ранжида қилганимизда (1992 йилнинг кеч кунда) қурилиш бошида 5—6 йилгити учратдик. Улар кўтарма краннинг темир рельсларини созлашган экан. — Союзловчи-монтажчилар бригадирин Сафарбой Фози-

Қ. Бекчоновга берсангиз бўларди, — деди бригадир. Дарҳақиқат, тўғри гап. Келгуси ўқув йилига ишга тушиши режалаштирилган бу мактаб қурилишидаги сусткашлиқни Қ. Бекчоновгина изоҳлаши мумкин. Қурилиши бошланиб, чалакам-чати оро йўлда қолган мактаб бинолари кўп. С. Қаландаров номи жамоа хўжалигидаги Гагарин номи мактаб учун барпо этилган 1178 ўринли бинонинг устуворлиги қаққайгани туғри. «Комсомол», «Галаба» жамоа хўжалигида қурилатган билим масканлари биноларининг икки қавати кўтарилишига, ёмғир-қор остида турибди.

Холбуки, Урганч туманида 44 та мактаб мавжуд бўлиб, уларда жами 27208 ўқувчи таълим-тарбия олади. Ўқувчиларнинг аксарияти икки сменада ўқийди. Гагарин номи, Ал-Хоразмий номи, М. Оллаберганов номи мактабларда эса ўқитиш ҳатто, уч сменада олиб бориляпти. Бунинг устига, йилдан-йилга ўқувчилар контингенти ҳам кўпайиб бормоқда. Авария ҳолатидаги мактаб бинолари ҳам анчагина, янги мактаб бинолари қурилишлари эса фойда султ.

Шундай экан, туман халқ таълими бўлими раҳбарияти талабчанлик кўрсатиши лозим эмасми? — **Ғоиб ЕҒУВОВ,** ўз муҳбиримиз.

БОНГ УРАМИЗ!

эстажанин ҳоким қатъий ишонтириб айтди. Орадан кўп ўтмай қурилиш объектига гишт, цемент каби материаллар келтирилади бошланди. Туман марказидаги Эгам Раҳим номи ўрта мактабга етиб келганимизда ноҳус манзаранинг гувоҳи бўлдик. Мактаб биносининг эскириб қолгани шундоққина кўриб турарди. Маълум бўлишича, мажмур мактаб биноси Улуғ Ватан урушидан аввал, қурилади бошланди, 1952 йилдагина ишга туширилган. Бино хом гиштдан тикланган. Бино томининг ярмида шифер йўқ. Ёмғирли кунларда синфхоналар аҳолига вой: чак, чак, чак!

Бу мактаб учун 1991 йил

лов бўламан, — деб таништириб ўзини йиғитлардан бири. — «Хорезмагроустрой» трестига қарашли 429-мажмур кўчма механизациялашган колоннасида ишлаймиз. Ҳозир қурувчилар бошқа объектка, аниқроғи, Туркменистонга кетишган. — Нега бундай қилишди? Бригадир кулди, сўнг деди: — Негалигини билмай-сизми? Ахир қурувчилар қаерда пул мўмай бўлса, шу ёққа бориб ишлашадилар. — Бу аҳволда мактаб қурилишида қачон бурилиш бўлади? — Ака, бу саволни мактабни қураётган бош пудратчи 299-кўчма механизациялашган колонна бошлиғи

ЯНГИ РУКН: Кўнгила ЧИГИЛИ

ШУНДАЙ ДҲКОН ЗАРУР

Бозор иқтисоди мактаб ўқувчилари ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказиб қолган сир эмас. Нарх-наво болалар учун ҳар кун зарур бўлган ўқув қуролларини ҳам четлаб ўтган йўқ. Бунинг устига уларни топиш, айниқса, қишлоқ жойларида катта муаммо. Дарсликлар, бадиий китоблар ҳақида гапирмай қўя қолайлик. Учирғич, чанғич, рўчка, қалам, наргар, дафтар каби ўқув қуроллари ўқувчи учун ҳар кун керак. Тўғри, буларни қиммат бўлса-да, шаҳар жойларида топса бўлар. Лекин қишлоқда лаппатанлар шундай имкониятга эга эмас. Шунинг учун қишлоқ мактаблари қишлоқда, агар давлат дўконлари ташкил этиш ва зарур нарсалар билан таъминлаш мушкуллик туғдирса, тижорат дўконлари очиниш руҳбат бериш зарур.

Дўконга жойини буфетдан ё бўлмаса кутубхонанинг бир четидан ажратиб мумкин. Тижоратчилар эса қимматроқ бўлса-да, ўқувчилар учун керакли буюмларни топиб келтири олишади.

С. САЙДАЛИЕВ.

ЧУМЧУҚ СҲЙСА ҲАМ...

Мусиқа қалбини тарбиялайди, дейишади. Бу ҳақ гап. Мусиқага ошно кўнгли таъсирчан ва мулозим, ноаниқ ва муруватпеша бўлади. Лекин мактабларда муси-

Муаллимларнинг машаққатли меҳнати жумҳурият раҳбарияти томонидан муносиб тақдирланмоқда. Бироқ зми тарқатувчилар олдида аҳён-аҳёнда бўлса ҳамки, муаммолар учраб туради. Янги руқиде бундан буюн муаллимлар кўнглига чигил бўлиб кираётган масалалар хусусида фикр юритиб борилади.

қа ўқитувчисига эътибор кўнгидагидек эмас. Мутасадди ташкилотлар, бақувват хўжалик раҳбарлари ўқувчилар ансамблларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашнинг кўнам йўлаб ўтирмайдилар. Ўзингиз фикрлаб кўринг. Ҳозирги шароитда болалар ансамблларини зарур чолгу асослари, кийим-кечаклар билан таъминлаш осонми? Тўғри, мен ишлаётган мактабда бунга бирмунча имконият яратилган. Аниқроғи, ўзим иш бошлаган кунларда кўздан холироқ эски хонани сўраб олиб, мусиқа хонасига мослаштирдим. Бора-бора ўқувчиларим ҳам, касбдошларим ҳам хонага тез-тез кириб турадиган бўлишди, турли-туман жиҳозлар билан беазада ёрдам беришди. Ўқувчиларим кўп ўтмай район ва виллоят миқёсидаги санъат байрамларида қатнашишди. Ундан у ёнига эса... яна кийим-кечак, сафарлар учун маблағлар масаласи кўндалан бўлди. Қўйлаб ўйлаган ниётларимизни амалга ошира олма қоляпмиз.

Яна бир муаммо. Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги тасдиқлаган дастурга биноан мусиқа дарси мактабларда биринчи синфдан ўқитилиши керак. Қизиғи шундаки, кўп жойларда 4 синфгача мусиқадан шу соҳа мутахассиси эмас, бошланғич синф ўқитувчилари дарс беришмоқда. Холбуки, мусиқа дастури олдида мураккаблик сари, ҳар бир синф ўқувчиларининг руҳий имкониятлари назарда тутиб тузилган. Демокчанки, туман халқ таълими ходимлари бу масалани тўғри ҳал этишда изчиллик кўрсатишлари керак.

О. ҲАСАНОВ.

МУАЛЛИМ ФИКР БИЛДИРАДИ

«ОТ» ДЕБ НИМАГА АЙТИЛАДИ?

Дарсларни кузатиш мақсадида кўпгина мактабларда бўлган пайтимизда ўқувчиларнинг ҳам, ўқитувчиларнинг ҳам дарсликда берилган тилнинг грамматик қоидаларини ўз ҳолида, яъни дарсликдагидек ёддан айтиб беришларининг гувоҳи бўламиз.

«От» деб нимага айтилади десак, болалардан қуйидаги жавобни эшитишимиз турган гап: «Предметнинг номини билдириб, ким?, нима?, сўроғига жавоб бўлган сўз туркуми от дейилади».

Агар биз айнан шу қоидага асосланганимиз бўлса, от фақат предметларнинг, яъни нарсаларнинг номини билдирадиган сўз туркумига айланб қолади. Ваҳоланки, от фақат предметнинг номини билдирмайди-ку? Шунинг учун бу грамматик қоидага ижодий ёндашиб, от сўз туркумини тўлиқ ифодалайдиган қоидалар тузиб, дарс жараёнида ўқувчиларга тушунтира оلسак, мақсадга мувофиқ бўларди.

«От» сўз туркуми, ўз номидан маълумки, аташ, номлаш кабиларга хизмат қилади. Шунинг учун бу сўз туркумининг номи «от», яъни ном. Бу дегани нарсаларнинг, жониворларнинг, инсонларнинг, табиатда мавжуд жисмларнинг номини билдиради. «От» қуйидаги сўроқларга жавоб бўлади: ким?, нима?, кимлар?, нималар?»

каби. «От» келишиклари билан турланган пайтда бу сўроқлар келишик қўшимчаларини олади. Мен «от» сўз туркумини қисқача шундай, яъни юқорида кўрсатганимдай тушунтиришларини истардим. Чунки шундай қилсақ ўқувчилар грамматик қоидаларни онгли равишда ўзлаштира оладилар.

Мен ўз фикримни фақат «от» сўз туркуми мисолида тушутирдим. Бундай номукамал қоидалар жуда кўп учрайди.

С. ШОДИЕВА,
Сирдарё вилояти Янгйер шаҳридаги 10-мактаб
она тили ва адабиёт фани муаллимаси.



ТАНЛОВ
ДАВОМ ЭТАДИ


Тошкент шаҳар Собир Раҳимов райони халқ таълими бўлими район ҳудудидagi илм масканларида таълим тарбия ишларини янада яхшилаш учун «Энг намунали мактаб», «Энг ялғор ўқитувчи» номлари остида танлов эълон қилган эди.

Куни кеча ушбу танлов якунига бағишланган йилги бўлиб ўтди. Йилгида ғолиб деб топилган С. Азизхўжаева, Г. Карнаухова, Д. Мираҳмедовалар раҳбарлик қилаётган 29, 191, 234-мактабларга, ўқитувчилар — С. Муқимова, М. Хусанова, Н. Абдурахмоноваларга пул мукофотлари берилди. Шунингдек, иқтидорли ўқувчиларнинг 47 нафари 500 сўмдан стипендия тариқасида пул оlishди.

Мукофотларни С. Раҳимов райони ҳокими муовини Ш. Ҳўлатов, район халқ таълими бўлими мудири М. Одиловлар тантанали равишда тақдим қилди.

Йилги охирида «Энг яхши жиҳозланган синф хонаси» учун маблағ ажратилганлиги маълум бўлди. Хуллас, кўрик-танловлар яна давом эттирилади.

Ҳ. МҲИРЗАКАРИМОВ,
Муаллиф олган суратлар.



МУХБИРЛАР ВА МУШТАРИЛАР ХАВАР ҚИЛАДИ.

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

ФАРҒОНА. Халқ таълими тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилинганига ҳам анчагина вақт бўлди. Бу борада олиб борилаётган ишларнинг натижаси қандай бўлапти? Фарғона ва Қўқон шаҳарларида маорифчиларнинг ўтган икки кунлик семинар-кенгаши ана шу мавзуга бағишланди. Маърузаларда вилоят маорифчилари олдида турган долзарб масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Баҳс-талоб масалалар ва айрим саволларга Ўзбекистон халқ таълими вазирининг муовини М. Қурбонов ҳамда Халқ таълими вазирлигининг бош адиби маслаҳатчиси С. Бернштейн батафсил жавоб бердилар.

М. СОДИҚ.

ДАРОМАДДА БУРОМАД

АНДИЖОН. Избоскан районидagi 18-мактаб жамоаси ўтган йили эрта баҳорда ноқоним масканидagi ерда қанд лавлага экиштиди. Кейинчалик улар Қозғоғистон республикасининг Жамбул шаҳридаги қанд-шакар ишлаб чиқарувчи корхона билан алоқа ўрнатилди. Йил охирига бориб шартлашувга кўра, маҳсулотлар алмашилди. Натижа ҳам чакки бўлмади. Келтирилган маҳсулот, аввало, ўқитувчи ва ўқувчиларга арзонлаштирилган нархларда тарқатилиб, қолгани аҳолига сотилди ва бундан мактаб 110 минг сўм даромад олди. Хуллас, даромад бор жойда буромад ҳам бўлади-да!.

О. ҲАМДАМ.

ТАЛАБАЛАР УРГАНИШМОҚДА

СУРХОНДАРЕ. Термиз қишлоқ хўжалиги техникуми талабалари шу кунларда вилоятнинг барча районлари, жамоа хўжаликларига тарқатилган. Улар жойларда бўлишиб, бухгалтерлик, агрономлик, ветеринария соҳалари бўйича ўз малакаларини оширадилар. Бу ишларни таъминлашда техникумининг илгор ўқитувчилари У. Қайюмов А. Узоқов, Ш. Исмоилов, А. Носиров, М. Турдиевалар маъсулиятни қўлга олишган.

Ш. ТУРОН.

ЯНГИ СПОРТ ЗАЛИ

ҚОРАЗМ. Урганч туманидаги С. Қаландаров номи мактабининг ўқувчилари киши келди деғунча ташвишга тушиб қолишарди. Чунки жисмоний тарбия дарсларини ўтишга жой йўқ бўлиб, ўқувчилар спорт турларидан баҳраманд бўлишолмасди. Ниҳоят, энди ана шу кўнгли чигилига барҳам берилди. Жамоа хўжалиги тарбия ўқитувчиси Қадим Каримовнинг елиб-югуриши, жамоа хўжалигимиз раиси Вафо Ражабовнинг ўқувчиларга бўлган эътибори туфайли Янги йилда мактабинизга ҳар томонлама жиҳозланган спорт зали тухфа қилинди.

Мунаввар ЗОКИР қизи.

МАҚСАДИМИЗ — ЕШЛАРГА УРГАТИШ

ҚАШҚАДАРЁ. Китоб шаҳар халқ таълими бўлимида қизиқарли кечалар, учрашувлар тез-тез ўтказилиб турилади. Яқинда худди шундай тадбирлардан яна бири бўлди. Унда муаллимлик касбини шарафли деб билган, тажрибали бир неча бора оммалаштирилган, А. Хўжаев номи мактабининг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Тоҳир Олимовнинг иш тажрибаси, бир соатлик дарс ўтишининг самаралари ўрганилди. Шаҳар педагоглари бундай кечаларнинг ўзлари учун нақадар зарур эканлигини таъкидлашнинг, ёш муаллимларга ҳам келажакда дастурий амал бўлишини билдиришар.

А. ШАҲДО.

ЕНГИЛ ҚЎЛЛИ МУАЛЛИМ

ЖИЗЗАХ. Муаллимларнинг халқ орасида ҳамisha йўл-бошчи, ишбилармон, қўли енгил деишади. Топиб айтилган гап бу сафар ҳам ўзини оқлади. Ўқиб кўринганда.. Галлаорол туманида 35 йилдан буён халқ фарзандига таълим-тарбия бериб келадиган тажрибали муаллим Бердир Исоев умид билан электр қувватида юрғизилган таълим қўлини қўриган. Омаднинг қарангки, муаллим курган таълим қўли билан қўли билан ҳам яхши натижа берди. Эндиликда, ҳар кун таълимдан икки тоннага яқин ун тортишмоқда. Қишлоқ аҳли учун ҳам таълимнинг бе-миннат фойда келтирилиши шубҳасиз.

Ю. РАҲИМ.

УРГАНАНГИ УЗНИКИ

БУХОРО. Қишки таътил тугаб, мактаблар яна ўқувчилар билан гавжумлашди. Ўқувчилар бир-бирларига таътилда қилган томошалари, дам олиш жойлари ҳақида мароқ билан сўзлашмоқда. Дам олиш жойларидаги мактабларнинг ўқувчилари учун ҳам таътил сермазми бўлди. Улар бу гуруҳларга бўлинишиб, шаҳардаги ишлаб чиқариш корхоналарида, завод ва фабрикаларида бўлишар. Бундай саёҳатлардан қўланган мақсад фақат томоша бўлиб қолмай, балки ўқувчиларга меҳнатга муносабатини шакллантириш, улар қўлидаги ёшларнинг қўнарга ҳавас, қизиқиш уйғотишдан иборатдир.

Ф. МУРОД.

ТААССУРОТИ ЯХШИ БУЛДИ

НАМАНГАН. Вилоят малака ошириш институтида муаллимларнинг қисқа муддатли ўқини тугади. Туманлардан келган барча муаллимлар ўз мутахассисликлари бўйича тажрибалаб алмашилди. Қиссадан ҳисса шукки, бу ерда уларга фан мутахассислари, илгор педагоглар маърузалар ўқишиб, унинг таассуроти яхши бўлди.

О. НУРМАТ.

Утган йили радиодан Олмонияда юз берган ғаройиб бир воқеани эшитиб қолдим. Гап тўрт ёшли ташлашчи бола ҳақида борар эди. Қизиқ шундайки, у на гапиролмас, на юрмолмас экан. Анниқроғи, гапириб ўрнига ита ўхшаб увиллар, тўрт ёшлар юрар экан. Маълум бўлишича, боланинг онаси чақалоқлигида уни чекка бинолардан бирининг қаровисиз ертўлисига ташлаб кетган бўлиб, унга дайди бир ит овлаб қилган экан. Ит топиб келтирган овқатини бола билан бирга баҳам кўриб юрган. Шифокорларнинг айтишларича, топилганга ярим йил вақт ўтганлигига қарамай, бола ҳали ҳам одамга ўхшаб гапирибди, икки ойда юришни ва иссиқ овқат еишини ўрганишга қобил экан.

Қиссадан ҳисса шукки, инсон боласи дунёга келгани билан у бевосита мукамал инсон бўлиб етишавермас экан. Унинг инсоний баркамоллиги учун она сuti ва ота-она меҳридан ташқари чучур тарбия ҳам керак экан. Бола тарбиясига биринчи навбатда ота-она маъсул бўлса, иккинчидан, боғча тарбиячилари, мактаб ўқитувчилари, қолаверса, қаринош-урғу қўни-қўшнларини масъул қилди. Бу борада бир болага етти қўни ота-она, деган нақлни унутмаслигимиз керак.

Минг афсуски, кейинги йилларда тарбия соҳасида кўп хатolikларга йўл қўйилди, уларни санаб адо қилиб бўлмайди. Халоллик, поклик, инсоф, диёнат миллий урф-одатлар каби инсоний қадриятларимизни йўқотаёзди. Оқибатда қаринош-урғу қўнилик ҳам, дўстлик ҳам, ҳатто муҳаббат ҳам бойлик заманига қўриладиган бўлиб қолди. Жамиятда табақаланиш содир бўлди: амалдорлар, бойлар, ўртақлар ва қашшоқлар. Энг ачинарли жойи шукки, жамиятнинг моддий бойлик яратувчи меҳнаткаш қатлами нашоқлашиб кетди. Бу эса империянинг, унинг давлат тузумининг иккинчи даражасидан дарак эди. Натижада инсоннинг қўни тарбияси, шундай бўлиши мударрар эди. Чунки тарихдан маълумки, ҳали ер юзига ҳеч бир империя абадий ҳукм сурмаган. Одамоз ҳур тугилди, демек, у ҳур яшаш ҳам керак. Тарих сабоғи шундай.

Ҳа, шундай, лекин... Барча айбларни марказга, унинг раҳбарларига қўйишдан осон иш йўқ. Ҳар биримиз ўзимизга виждон кўзи билан бир қараб кўрайликчи, ҳўш, сўтдек оппоқимизми? Минг афсуски, йўқ! Камчиликларимизнинг ҳисоби йўқ. Шулардан энг асосийси лоқайдлик. Иккинчиси эса тарқоқликлар. Куч бирлигида эканлигини гўё унутиб қўйганмиз. Ана шулар оқибатида бугунги аҳволга тушиб қолдик. Қисқаси, биз мустакил демократик давлат турмуши эканмиз, ҳар биримиз ишчи ўзимиздан бошлаймиз керак.

Республикамизнинг СССР таркибидан бўлган вақтлари бизни жаҳонда кўпчилик танимас эди. Бугунги кунда бизнинг мустакил давлат сифатида юздан ортқ хориний малакатлар тан олди. Бирлашган Миллатлар ва яна бир қанча халқлар ташкилотларга аъзо бўлдик. Бу эса юккамизга янада юксак маъсулиятлар юкмамоқда. Шундай экан, бундан буён жумҳуриятимизда кеңалдиган ҳар бир воқеани жаҳон афкор оммасидан сир тутиб бўлмайди. Энди жумҳуриятимизнинг ҳар бир фуқароси мустакиллигимизни ҳимоя қилиш, уни юксалтиришга ўз ҳиссасини қўшмоғи керак.

Ҳозирги кунда Тошкентда ўнлаб чет мамлакатларнинг элчихоналари фаолият бошлади. Чет эл газети, радио ва телевидениелари мухбирларининг қароргоҳлари очилмоқда. Демак, жумҳуриятда йўқолган биргина нина ҳам жаҳон аҳлининг назарида бўлади. Шунинг учун мустакиллик бисосини ҳалоллик, поклик ва демократик пойдевори устига қўриш лозим, токи у келажак авлодлар учун биздан абадий ёдгорлик бўлиб қолсин! Албатта, бундай бини кўришининг ўзи бўлмайди. Бунинг учун юксак маданият, чучур билим, юқори савияли, мустаҳкам иродали, ҳалол, виждонли, тадбиркор кишилар ҳам керак. Ҳозир бизда бундайлар жу-

да кам. Уларни тарбиялаш бугунги куннинг асосий муаммосидир. Инсон тарбияси қиңқатан ҳам жуда мураккаб вазифа. Юқоридagi мисолдан кўриниб турибдики, тарбияни бола туғилган куниданоқ бошлаш, унга шахс сифатида қараб лозим. Ҳозирги боғчалар, улардаги тарбиячилар фаолияти ҳаммага маълум. Бошқача айтганда, ўзлари тарбияга муҳтож тарбиячиларни қўлаб топилди. Демак, нафақат боғча ва ясли биноларини қайта қуриш ва жиҳозлаш, балки уларнинг тарбиячиларини ҳам қайта тарбиялаш лозим. Шундагина фарзандларимиз мактабгача алифбона билладиган, ўқий оладиганига эмас, ҳатто бирор хориний тилда бемалол сўзлашадиган, компьютерда ўйинчоқдай ўйнаб ишлаб оладиган, мусиқа қандай рақсга тушиб, ашула айта оладиган бўлиб етишадилар.

Шу ўринда эътиборни кўпроқ хусусий боғчалар очишга қаратмоқ керак деб ўйлайман. Чунки, биринчидан, ҳозирги танқислик дарида мавжуд боғчаларни тез орада қайта таъмирлаш қийин, иккинчидан, уйда ўтирган пенсия ёшидаги муаллимлар ҳамда ҳаётий тажрибага эга бўлган онахонларни шу йўл билан ишга жалб қилиш мумкин бўлади. Бундай тадбирларни амалга оширишда айрим тажрилотлар фаол иштирок этиши, ҳаражатлардан қочмаслик керак.

она заминга меҳр уйғотмоқ жоиздир. Бугунги кунда, айниқса, шаҳар ёшлари қишлоқ хўжалик ишларидан узоқлашиб кетганликлари ҳеч кимга сир амас. Шунинг учун мактабларини беш кунлик ўқинишга ўтказишни ўрнили деб ҳисоблайман. Ҳафтаининг бир кунини ўқувчилар табиатишунослик дарсларини оқиш ҳавога ўтказиш билан бирга деҳқончилик ишлари билан шуғуллансалар мақсадга мувофиқ келарди. Ҳар бир мактаб ўзининг ер майдонига, иссиқхонаси ва боғига эга бўлиши ҳам тарбиявий, ҳам иқтисодий аҳамиятга моликдир. Уларда ишчи шундай ташкил қилиш керакки, токи олинган ҳосилдан ҳам мактаб, ҳам талаба баҳраманд бўлсин.

Жамиятимиз ўз келажигини фақат бозор иқтисодида деб билдирган бугунги кунда ҳар бир инсон ўз меҳнатидан моддий манфаатдор бўлиши катта аҳамият касб этади. Ешларини моддий неъмат яратишга, унинг қадрига етишга ўргатади. Барча тирик мавжудот учун она-Ер буюк бонувчидир. Шу ўринда яна бир фикр. Инсон эркин тугилди. Гўдаклигида ҳамма бирдек беғубор бўлади. Бас, шундай ҳолда одамларда манманлик касали қаердан пайдо бўлади?

Менимча, меҳнатсиз топилган ҳаром даромаддан! Кимки нопок йўллар билан бойлик ортирган бўлса, унда дабдала тўйлар, турли маъракалар ўтказиб

иккинчисиники оғир йўқотишга олиб келиди.

Шу ерда яна бир мулоҳаза билдириш керак. Маълумки, шифокорлар олий билимгоҳларини тамомлаётганларида Гиппократга қасамдб қиладилар. Менинг фикримча, муаллим ва шифокорлар билимгоҳларини тамомлаётганларида қўлларига муқаддас Қуръонни олиб ўз халқларига қасамдб қилсалар, улур иш бўлур эди. Зеро, қўлида Қуръонни Карим билан ҳалол, инсофли ва имонли бўлишга онт ичган ҳар бир мўмин-мусулмон талаба бутун ҳаёти давомида ўз виждонини йўқотмайди.

Навбатдаги яна бир муҳим масала — талабаларни баҳолаш. Маълумки, талабалар билиминини одил ва ҳолис баҳолашнинг тарбиявий аҳамияти жуда катта. Афсуски, бу соҳада ҳам нуқсонлар жуда кўп. Менинча, тўрт балли баҳолаш системаси ўзини бутунлай оқламапти. Халқимизда яхши — яхшироқ, ёмон — ёмонроқ каби иборалар кўп ишлатилади. Биз эса баҳолаш пайтида буларга амал қилмаймиз. Гўё, математика тили билан айтганда, бутун сонлар орасида каср сонлар йўқдир! Оқибат ўзи нисбий бўлган баҳоининг яна ҳам нисбийлашишига, адолатсизликка ва баҳо мавқенининг янада пайсийишига олиб келади. Шунинг учун мен баҳолашнинг тест (нег қамровли синнов) усулига тўлиқ ўтиш тарафдориман. Бу мактабларда ҳам, олий ўқув юртиларига киришда ҳам талабалар учун қулайлик яратад.

Дарсликлар хусусида ҳам икки оғна фикр. Ҳозирги дарсликлар бугунги кун талабига умуман жавоб бермайди, деб ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкин. Ўз миллийлигимиздан, тарихимиздан, эътиқодимиздан, қолаверса, онимиз даражасидан келиб чиқадиган дарсликлар яратиб керак. Бунинг учун жумҳурий муаллим ва мударрисларнинг қаймоғини бир ерга тўшлаб, теъдла иш бошлаш лозим. Янги дарсликлар содда тушунарли ва болаларни ўзига жалб этадиган бўлиши керак. Бир фандан биринга эмас, бир неча мўқобил дарсликлар бўлишини таъминлаш лозим. Иқтисодда бўлганидек фанда ҳам, таълимда ҳам мўқобиллик бўлиши зарур. Шундангина ривожланиш бўлади.

Ҳозирги давр муаммоларидан бири — одамларнинг китобдан узоқлашиб кетганлигидир. Кўпчилик бунга турли сабабларни кўрсатишади. Менинча, асосий сабаб, жамиятимиздаги ноҳақликлар, инсон ҳуқуқларининг топилгани ва турли адолатсизликлардир. Жамиятимизда теъроқ адолат ва демократия қарор топмас экан, тубаник қатърига тушиб кетаверамиз. Ахир, дунёдаги жамини бойлик — китобда-ку! Шунинг учун иқтисодийетимизнинг раванги ҳам, халқимизнинг фаровонлиги ҳам, фан ва маданиятимизнинг ривожини ҳам болаларимизга берадиган билим ва тарбияга боғлиқ. Бугун шу ишни қилмас эканмиз, эртага кеч бўлади. Мустакиллик сароҳа айланган.

Кўриниб турибдики, таълим ва тарбия соҳасида қилинадиган ишлар жуда кўп. Бу ишларни амалга оширишда биринчи навбатда мактабларга тўла аркинич бериш лозим. Туман ва вилоятларда ташаббускор, билимдон муаллим ва мударрисларнинг доимий ишчи уюшмаларини тузиш, жумҳурий миқёсда эса маърифат академиясини ташкил этиш зарур. Бундай академия аъзоси этиб республикадаги энг машҳур маърифатчилар муаллимлар, мударрислар, сайёат ва маданият арбоблари сайланшилар лозим. Академия эътизисига жумҳуриятдаги барча таълим-тарбия ишларини бошқариш вазифаси юкляниши керак. Унинг тасарруфида шу йўналишда институтларни ўтказиш маълум иш бўлур эди. Улар ташқари айрим вазирликлар ҳамда улар қошидаги турли-туман бошқармалар сонини кескин камайитриш икмонияти тугилди. Бу эса давлат маблағининг ортиқча сарф қилинишига чек қўяди.

Носир ЗОКИРОВ,
Тошкент давлат Иқтисодийёт дорилфуқуқи доценти.

МУҲИМ
ДАСТУР

Юртимиз келажиги бола-қонлардир. Уларни чинкама инсонперварлар, ўқимлиши ва меҳнаткаш қилиб тарбиялаш болалар боғчалари, у ерда меҳнат қилаётган тарбиячи-

лардан тортиб берчамизнинг асосий вазифаларимиздан биридир. Бу муҳим ишни амалга оширишда бадий адабиёт, айниқса, болалар адабиётининг роли кебис эканлиги шубҳасиз. Болалар адабиёти фанининг вазифаси эса болалар ёзувчиларининг мактабгача тарбия шийдаги болаларга беғишлаб ёзган асарлари ҳамда бу асарларнинг бадий-эстетик

қиймати билан талабаларни таништиришдир. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, филология фанлари номзодлари У. Нурмухамедов ҳамда М. Жумебоевлар томонидан тузилган, Республика олий ўқув юртиларининг мактабгача тарбия факультетларида мўлжалланган «Болалар адабиёти дастури» алоҳиде қийметга эгадир.

Таъкидлаш керакки, дастурда ҳозирги ўзбек болалар ижодкорларининг ижоди билан бирга А. Навоий, Гулханий каби мутафаккирларнинг ҳаёт ва ижодлари ҳақида, шунингдек, Пушкин, Некрасов, Голтой, Маршак, Михалков каби жаҳон болалар адабиётининг кўзга кўринган намоёндалари ҳам ўрин олган. Кўриниб турибдики, мазкур дастур болаларнинг тарбиясини янада тўғри ташкил этишда бўлажак тарбиячилар учун ҳам, мутахассислар учун ҳам ўта муҳимлиги билан алоҳида ўрин тутади. Лекин шунга қарамай, унинг жуда ҳам нуқсдада чоп этилганлиги ажабланарли. Келгусида бу масалага қайта аҳамият берилса, нур устига аъло нур бўларди.

АДОБИЯТ



Шуро инқилобидан кейин Туркистон удулидаги эски мактаблар ва мадрасаларда одобнол махсус сабоқ берилган илмий манбалардан, тарихий-бадий асарлардан маълум. Шунингдек, миллий ахлоқ-одоб қонунлари, анъаналари, уларнинг ўзини хос хусусиятлари билан йўрилган бадий асарлар махсус фан сифатида ўқитилган.

Кўрғони Карим деярли барча фанларга доир илм ва билимларни қамраб олган муқаддас китоб. Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти ва фаолияти ҳамда ахлоқ-одобга мансуб муборак ўқитиларини ўзида муҳасамалаштирган Ҳадислар ҳам мусулмон дунёсида кенг тарқалган ва юракларга жо бўлган фикрлар дурдонаси мажмуасидир. Бу муқаддас китобларни ўқиш ва ўқитиш шуро инқилобидан кейин ман қилинган. Қолаверса, ахлоқ-одоб дарслари ўқув дастурларидан бутунлай четда қолиб кетди. Натияжада миллий ахлоқ-одобнинг ноб ақолибларига, ўзбекиона қадриятларига, меҳр-оқибатга пугур етди. Биз ўзбекистон мамлакатини ҳудудда яшовчи бошқа диндаги миллатларга тил текизиш ёки камситиш фикридан мутлақо йироқлик Зотан, «Кимки мусулмон мамлакатини яшовчи бошқа динга мансуб кишини ҳақорат қилса, қиёмат кунини ўтган эсанган қамчи билан урилади». Муҳаммад алайҳиссаломнинг бу панду насихатини мўмин муслимонлар билиши табиийдир.

Кейинги йилларда мактабларда «Оила этикаси ва психологияси», «Оила сингари фанлар ўқитилдики, ундаги сабоқлар ўзбек ахлоқ-одобига қўпична эид, дарсликлар ҳам таржималардангина иборат бўлиб қолди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин бошқа фанлар қатори тарбияшуносликка ҳам катта аҳамият берилмоқда. Миллий анъаналарга, маросимларга кенг йўл очилмоқда. Юқорида зикр қилинган таржима дарсликлар истеъмолдан чиқариб ташланиб, ўрнига миллий заминга қурилган «Одобнома» фани киритилдики, бу жуда қувончли ҳол. Бироқ шу соҳа бўйича ҳозиргача бирорта ҳам дарслик нашр қилинмади. «Одобнома» фанидан дарс берувчи муаллимлар маъбулотларда эълон қилинган Ўткир Ҳошимов, Гаффор Ҳогамов, Ислом Усмонов сингари ёзувчиларнинг тарбияга доир мақолаликларидан, шунингдек, марҳум профессор Раҳимжон Усмонов, доцент Ойшахон Тураева, тарбияшунос олим Турсунали Қурбоновларнинг илмий оммабоп, услубий қўлланмаларида фойдаланмоқдалар. Улар тарбияда миллий анъаналар, ўзига хосликларнинг замонавий мазмун ва шаклларида баёнланган.

Дароқ уларда негизий миллий тарбия анъаналарида алла айтишни муҳим аҳамияти хусусида ҳеч қандай фикр юритилмади. Зотан, ўзбек тарбиячи-

лигининг миллий асосини алла айтиш, яъни она алласи ташкил қилади. Шунинг назарда тутилган ҳолда биз алла айтиш ва уни одобнома дарсларида ўргатиш тўғрисидаги айрим фикр ва мулоҳазаларимизни ҳаммасларимиз билан ўртоқлашимиз лозим.

Чақалоқ туғилиши ва бешикка белиниши биланоқ унга она алла айтиди. Бола қулоғи алла оҳанги ва шу оҳангга эғизак шеър матни билан очилади. Аллани бола қўшиқни ҳали туғилмасиданоқ она қорнида «тинглайди». Бунда она ҳомилдор пайтида кўпроқ нафис, гўзал манзаралар бағрида сайр этиб, ўзинга ёққан қўшиқларни эшитишни керак. Шунда унинг кайфияти улугвору хушчақчилик касб этади. Бу улугворлик, хушчақчилик онанинг қон томирлари, асаб торлари ва бошқа аъзолари орқали бола вужудига ўтиб тури-

Шоирлару олимлар, донолару муаллимлар оналарни бодаларига алла айтишга даъват этамиз ва, ҳатто, талаб қиламиз. Талаб қилиш, даъват этиш осон. Бироқ алла матнларини тўплаш, қўяларини йиғиб, бир жилдга жамлаш, уларни ёшлар қулоғига қўйиш, бошқача айтганда, бўлгуси оналарга ўргатиш борасида қайғурмаймиз. Ростини айтиш керак, алла айтишни ёш оналар у ёқда турсин, ҳатто, беш-олти фарзанд кўрган аёллар ҳам яхши билишмайди.

Шундай экан, одобнома фани дастурлари ва дарсликларига «Алла айтишни ўргатиш» мавзусини киритиш лозим. Бизнингча, шу мавзунини 10—11-синфларда ўқитилса, ижобий натижалар бериши турган гап. Кўпчилик қизлар ўрта мактабни битириш биланоқ оила қурадилар ва она бўладилар. Қисқаси, қизлар бола тарбиясига ма-

Еки:
Тол ёғочдан бешигинг,
Тинч ухлагин болам, аллаё.
Бешингда парванаман,
Бахтли болам, аллаё.

Еки:
Бошимдаги бахт қушим,
Жоним болам, аллаё.
Кўзларимнинг пурисан,
Жоним болам, аллаё.
Суйанган тоғим бўлгин,
Жоним болам, аллаё.

Бизнингча, алла матни қофияланган бўлса, янада таъсирчанроқ бўлади, жанрандорлик касб этади.

Дарс, албатта, кўргазмалли қуроллар, яъни алла айтиш учун зарурий ашёлардан тўла фойдаланган ҳолда ўтиши керак. Синфхонанинг бир бурчати она қониси каби жиҳозланган бўлиши мақсадга мувофиқ. Гилам, унинг устига кўрпачалар тўшалган, онанинг ўнг томонида бешик. Унинг жиҳозлари жой-жойида бўлиши лозим. Гўдак буй-бастига мос қўйиш. Одобнома муаллими, аввало, болани бешикка белаш қоидаларини ўргатади. Сўнг қизларга маъқ қилдиради. Шундан кейингина алла айтиш сирларини, матн танлаш санъатини тушунтиради. Дастлаб муаллими аллани оҳанг билан айтиб кўрсатади. Шу тарзда қиз ўқувчилар алла айтиш кўникма ва малакаларини эгаллайдилар. Энди яна бир фикр, мана шу манзара ўғил болалар олдига кўрсатилса, улар учун қулоғи бўлиши, қизларнинг уялиши турган гап. Зикр қилинган бу мавзу фақат қизлар гуруҳида ўқитилиши лозим. Қиз болалар гуруҳига одобнома дарсларини аёл муаллимлар ўқитиши мақсадга мувофиқ.

Хуллас, алланинг ўзбек тарбиячилигида муҳим аҳамиятга эга эканини назарда тутиб, қўйидаги таклифларни киритишни лозим топдик:

— Аллалар матнларини йиғиш, тўплам тайёрлаш ва оммавий нусхада нашр этилиши;

— қўшиқнавис шоирларни алла матнларини ёзишга рағбатлантириш, шеърларни рўзнома, ҳафтанома, ойномаларда доимий бериб бориши;

— мактаб ўқувчи қизлари, олийгоҳларнинг талаба қизлари ўртасида йилда бир-икки марта алла айтиш танловларини ўтказиши;

— ойна жаҳонда, радио тўлқинларида ҳафтада бир ёки икки марта алла айтишни ўргатиш машғулотларини ташкил қилиши.

Умуман, алла айтиш болаларни миллий ахлоқ-одоб руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Дармонжон ОЧИЛОВА,
одобнома ўқитувчиси.

АЛЛА АЙТИШНИ БИЛАСИЗМИ?..

ЁХУД ОДОБНОМА ДАРСЛАРИДА АЛЛА АЙТИШНИ ЎРГАТИШ ХУСУСИДА

ши шубҳасиз. Худди шу вақдан қўпни кўрган момолар ҳомилдор аёлларга ҳар нарсига ҳам-андуҳ чекмасдан, асаб бузмасдан, ўйнаб-қўлиб юришни тавсия этадилар. Демак, ҳомилдор она ҳаёт ва турмушда ўзини ҳам-ғуссалардан, кўнгилсиз қайғулардан узокроқ тутиши, шунингдек, лағофат нафосат барқ урган гулшандан баҳраманд бўлиши зарур. Ана шундангина бола она қорнида турди томонлама тўлақонли ривожланади.

Алла-тўла маънода қўшиқдир. Анқироғи, болалар қўшиғи. Унинг матни содда, тили ширин, тушунарли, шунингдек, шеър талабларига тўла жавоб бериши лозим. Оҳанги, яъни мусиқаси ҳам содда бўлиб, у пастрқ овоз билан куйланади. Шу талаблар асосига қурилган алла гўдакнинг мурғак, митти қалбига мулоим таъсир этиб, унга хуш кайфият бахшида этади. Хуллас, шоир тили билан айтганда:

Она заминда неки тирик тап,
Бўлиши фарзандга хўп парваналар.
Бағрингиз кенгу меҳрингиз гулшан,
Ва, лекин, алла айтиш, Оналар!

таб ўриндиғидеяқ тайёрланишлари мақсадга мувофиқдир.

Аллалар қўпична, оналар томонидан тўқилади. Уларнинг энг яхшилари, бадий жиҳаддан мукаммалари бошқа оналар томонидан ёд олинади. Шу матнга у ҳам бошқа сўзлар, сатрлар қўшиб, сайқал бериши мумкин. Сўнг, у бутун оналар мулкига айланади.

Алла матнлари мазмунини ўғил болалар ва қиз болалар учун айрим-айрим бўлиши мумкин. «Тоҳир ва Зухра» кинофильмидаги Зухрага айтилган алла диққатга лойиқ.

Булбулиғи аллаё, алла,
Кўзлари шахло аллаё, алла.

Шеър содда, мазмунан тушунарли, нафис ва жанрандор. Қиз болалар руҳига мос алла.

Яна бир хил алла матнлари бўладики, уларда қофия йўқ. Лекин мазмунан яхши, умидбахш.

Оқ уйинга ярашган,
Жоним болам аллаё, алла.
Боғининг бобони бўл,
Жоним болам, аллаё, алла.

ЎҚУВЧИГА НАСИХАТЛАР

Вир ишни тугатмасдан, иккинчисини бошлама. Аввал бошлаган ишингни охирига етказ ва ўз меҳнатинг натижасидан қувонч ёки ранж ҳосил қилишни бил.

Тил билан эмас, балки дил ва виждон амри билан иш тут.

Мактабни Ватанинг, сийфингни уйинг ва оиланг, партангни дастгоҳинг қай сев ва ардоқла.

Ҳаётни синчков кўз билан кузатишни ва уни чуқур мушоҳада қилишни ўрган.

Яхши-ёмонни ва оқ-қорани бир-бирини фарқ қилишни, қийсалашни ўрганиб ол.

Болалик ва ёшлик эҳтиросларингни, азиз умрингни, қимматли вақтингни ўткинчи ва омонат ҳою ҳавасларга бехуда сарф қилма.

Айтилган ҳар бир лутфу каломингни ақл ва ҳикмат тороzusида обдон тортиб, ўлчаб олиб, кейин эшитувчингга ҳавола эт.

Сенинг кадр-қимматинг маҳмадонлик ва тилеғламалик билан эмас, балки билиминг ва одобинг билан ўлчанади. ҲАСАН ОТА.



Суратқаш Ғ. ҚУШВОҚОВ.

САХИЙЛИК — ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

Шарқ ва Урта Осиё қадим-қадимдан маданий, маърифий бойлиққа эга. Бу ўлка Муҳаммад Ҳоразмий, ибн-Сино, Абу Наср Форобий, Саъдий Шерозий, Алишер Навоий, Абдулла Авлоний каби жаҳонга машҳур маърифатпарвар олим, шоир ва санъат аҳилларини етказиб берган. Улардан қолган пурҳикмат, одоб дурдоналари кўп ва беқиёс. Ота-боболаримиз азиздан ёшлар тарбиясида ана шунларга таянганлар. Ўз даврида ёшларга шу асосда тарбия, сабоқ берганлар. Илму ҳикмат кишида гўзал хулқи, инсоний фазилатларни таркиб топтиради. Эндилкида биз ҳам ана шу бебаҳо маънавий неъматлардан фойдаланишга ўрин ва имконият берилди. Айниқса, Кўрғони Карим ва Ҳадис Шерифдан фойдаланишга йўл очилганлиги дилларни мундариғар этди. Барча фазиларни, айниқса, «Одобнома» дарсларини ўқитишда булардан меъри ва ўз ўрнида фойдалансак, таълим-тарбияда қўзланган мақсадга эришмоқ шак-шубҳасиздир.

Инсонга хос зебо хулқлардан бири саҳийликдир. Бу маънавий фазилат кишини эзгулик ва соадатга етаклайди. Кишилар ўртасида меҳр-оқибат, қадр-қиммат ҳиссини муштақамлайди. Элу юртининг бой, обод бўлиши ҳам ана шу

Фазилат туйғайи бўлади. Юртимизда тақчиллик ҳукм сураётган давларда бу гўзал ҳикматлар янада янгича маъно касб этмоқда. Саҳийликнинг саъй-ҳислати катта. Бу инсоний саводат тўғрисида алломи Имом Исмом Бухорий «Одоб дурдоналари»да шундай ёздилар: «Худои Тоолога, Радуллоҳуға ёқимли бўлган маънавий фазилатлардан бири саховатдир». Чунки саҳийлик одамларни бир-бирига яқинлаштиради. Чиндан ҳам саҳий одам ҳар кимнинг қошида қурметли ва қадр-қимматлидир. Бунинг текисариси бўлиши беҳил, ҳасис, эчкине одам қадрсиз ва ҳабсиздир. Ҳазрати Навоий саҳийликни вафодорлик ва ҳаё қабил дурдон фазилатлар билан ёнма-ён қўяди.

Қиссадан ҳисса деганларидек, бу ҳикматлардан ўқув-тарбия ишмида кенг ва ўринли фойдаланиб, ҳаёт бўлоқ бўлган ёшларни бундан баҳраманд этайлик. Зеро, фарзандлар меҳр-муруватли, оқилу доно бўлиб ўлгай-синлар.

Р. МҶМИНОВ,
Наманган вилояти Пол туманидаги 16-мактаб ўқитувчиси.

АФСУСКИ, ФАРҚИГА БОРМАЯПМИЗ

Ҳалол-поклиқ, тўғрилик ҳақида тарбия асосини оилада, бошқача, мактабда, олийгоҳларда берилади. Лекин оила бошлиқлари ўзи ҳалол оғил-мағда ҳаромини аралаштирса, бошқа она гўдаклар ризиқини олиб кетса, ўқитувчи раҳбар фарзандига юқори баҳо қўйса ёки ёлгон сўзласа, ёшлар олийгоҳларга отасининг пули эвазига кириб ўқиса, бундай аҳволда ёшлар қачон ҳалолликка ўрганади?

Тўғри, биз ҳаммани ҳам ҳаромдан еб, едиради демоқчи эмасмики. Шои кўрмакисиз бўлмайди, деганларидек; ҳаромдан ҳалолнинг фарқи бормайди деганлар ҳам, афсуски, орамади учраб туради. Аҳамият беринг, ёримлар қайси йўллар билан қисқа даврга 4—5 талаб енгил машина олишга мурасар бўладую, лекин асосий омма эса бутун умри давомида пулга сотиб олишни қўяйлик, берган арзасига ҳам навабат ололмайд. Чунки унинг юқорига узадиган ошпақча пули йўқ-да. Энди яна бир фикр. Ҳаром еган бола савобини гуноҳдан, ҳаромни ҳалолдан ажратиб эътиқод билан иймонли бўла оладими, ёки мусулмончилик қонун-қонда

Бир пайтлар кўпгина дўконларда, сарторлар, қассобоқналарда гуноҳдан кўрққан кексалар ишларларди. Ҳозир эса кучга тўлган барвақт, гоғин урса талқон қилувчи ёшлар бу деромадли жойини эгаллашган...

Ҳа, дўстлар, бола тарбиялаётган хонадонда ва жамиятимизда мусулмон динига ихлос, эътиқод, иймон, Оллоҳга ишонч бўлмас экан, ҳалоллик, савоб ҳақида фикр юритиб кўп қийналемики, шекилли...

Н. ҲАЙДАРОВ,
Ёзгон туманидаги 6-мактабнинг одобнома муаллими.

2-хунар-техника билим юрти Жиззах вилоятининг Пахта-такор туманидаги касб-кор мактабларидан бири. Ўзбекистоннинг тикувчилик ва бичувчилик ўқитувчиси Доно Қоробекова раҳбарлигида 30 нафар ўқувчи иштиёқ билан касб эгалламоқда. Сиз кўриб турган суратда Д. Қоробекова талабаларга бичиш-тикиш бўйича йўл-йўриқ кўрсатаётгани ақс эттирилган.

БИРОВНИНГ ЎН ТИЙИНИ

Онаси нон учун берган ўн сўмин олиб дўконга кетаётган Нодира сўғи остидаги ўн тийинлик тагга топиб олди. Тагларнинг қаммаган пайтида бу топилманинг унга қизиқ қўриғанини раст этиди. Шунинг учун ҳам, уни олиб дарров кассасига солди...

У энди ҳеч қачон кўчадан тоналганин чўнтагига урмас, агар топиб олса ҳам эълон ёзиб эгасини хурсанд қилишга ўз-ўзига сўз берди...

С. ҲАСАНОВА.

Ирмоқлардан бошланар дарё,
Дарё нима, ирмоқ бўлмаса?
Зулумотни қувади энё,
Энё нима, чироқ бўлмаса?
Бу дунёнинг устуни одам,
Инсон учун яраган олам,
Олам нима, инсон бўлмаса?!

Дарҳақиқат, оламнинг оламчилиги инсон ақл-заковати, фаҳму фаросати, билими тақрибаси орқали намойиш бўлади. Кўҳна тарихнинг гувоҳлик беришича, олам инсон ва унинг ақл-заковати туйғайи ҳам гуллаб-яшнади, ҳам айронга айланди. Ҳоқил ва урушқон ҳўқмдорлар оламни буздилар, алломалар — фозиллар дарвида эса олам қайта яшарди, сайқал топди.

Ҳоқилнинг жоҳилигига ҳам, фозилнинг фозилигига ҳам асосий сабаб тарбиядир. Одам боласи дунёга келганда, бир-биридан фарқ қилмас-да, улгайиб вояга етгач, бири эл-юрт хизматида камарбаста, қўли гул ҳунарманд, бири олим, бири дили пок, виждонли бўлиб ўсади. Яна бири эса худбин, рижор, беёб, дилозор, янвогар, такаббур бўлиб вояга етади. Бунга у ўсган муҳит, ота-она, қариндош-уруғлар сабабчи бўлади.

Шунингдек, бола тарбиясига жамият, унинг инқирози ён фаровон қўрилишлари, юз бераётган ижобий ёки салбий воқеа-ҳодисалари таъсир қилиши табиийдир.

Бу ўринда 75 йил тарғиб қилиб келинган европача тарбия ва унинг таъсири билан шарқона тарбия ўртасидаги тафовутга эътибор бермоқ керак. Шарқона тарбия халқимиз, миллатимиз

ШАРҚОНА ТАРБИЯ—БЕБАҲО ХАЗИНА

учун ибод, андиша, ҳаё, иззат-ҳурмат, меҳр-оқибат меваларини бериб, маънавий озиқлантириб келди азалдан. Қўпчиликка сингир кетганинингинг аломатлари ҳар қадамда намойиш бўлиши киши дилини қувонтиради.

Шунингдек, уни тақомиллаштиришга асос бўлган ота-боболаримиз томонидан яратилган маънавий бой мерос — мустаҳкам пойдевор ҳам мавжуд.

Афсуски, биз бунга 70 йилдан ортиқ вақт мобайнида бефарқ қарадик. Тарбия ва таълим беришда Европага эргашиб, андозачилик кучайди. Маънавиятимиз ва маланиятимизда инқироз юз берди, десак хато кетган бўлмасмики. Ҳатто тилимиз ва динимиздан ажраляёдик. Шоир Дилмурод Жабборовнинг ушбу мисраларига эътибор берсангиз, бунга тўла ишонч ҳосил қиласиз:

...Гулчехра исмини «Гуля» деганлар,
Зулхумор, Зумрадни «Зуля» деганлар,
Ростмани номини айтсанг,
...«Маданиятсиз бўлмай ўл»... деганлар.
Мен сиздан ўқиниб яшайман...

дурахмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур сингари алломалар яратган дурдона фикрларни ҳафсаласизлик билан ўргандик, улар таълимнинг талқинига бефарқ қарадик. Ҳатто «Куръон», ҳадислар каби муқаддас китобларни ўқиб чеклаб қўйилди, ўрганмоқчи бўлганларга турли таъна тошлари отилди.

Ҳозирга келиб қайта қурши ва ошқоралиқ туйғайи мустақилликка эришдик, тилимиз ва динимизга эга бўлдик. Ўзлимиз, ўзбеклигимизни ағлаб етга боладик. Кўп соҳаларда бўлгани каби ёш авлод тарбиясига ҳам янгича қараш, янгича ёндошиш, хуллас, тарбияга шарқона услубда ёндошиш пайти етиб келди.

Бу борада республикамизнинг наприётлари ва мутасадди ташкилотларида ҳам бирмунча ибратли ишлар амалга оширилётган. «Одобнома», «Мушаррат одобни», «Ҳикматнома», «Оз-оз ўрганиб...», «Оила», «Тарбияли хотун», «Тақдирнома», «Одоб — ахлоққа доир ҳадис намуналари», «Дўст билан обод ўйинг» каби асарларнинг чоп этилиши, сеvimли ойномамиз «Шарқ юлдузи»нинг қатор сонларида муқаддас «Куръон» таржимасининг ёритилиши ва китоб ҳолида кўп нусхада нашр этилиши гоёт хайрли ишлардандир.

Еш авлод тарбиясига масъул бўлган кишилар ана шу адабиётлар воситасида ҳамда мутафаккирларимизнинг дурдона фикрларига суйанган ҳолда иш юрит-

салар, айни муддао бўлар эди. Мавжуд манбалар муҳасамалашган таълимотлардан фойдаланишда юзакчиликка йўл қўймаслик зарур. Балки ҳар ҳикмат, ҳар мақол ёки шеър мағзини чақиб, маъносини ўқувчилар ёки талабалар онгига сингирдириш, уларда кучли иштиёқ ва ҳавас туйғуларини шакллантириш лозим. Жумладан, Абдурахмон Жомийнинг:

Дунёда бўлмаса муаллим агар,
Дунё ҳам бўлмасди гўзал бу қадар, —
байтида муаллим ва унинг жамиятга дутган ўрни ҳамда ёш авлод тарбиясига доир меҳнати алоҳида таъкидланганини ўқтирмоқ лозим. Улуғ боқонолисини, шеърини мулкнинг султони Алишер Навоийнинг:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф
Ўқитиш ранж ила,
Айламак бўлмас онинг ҳақини
адо юз ганж ила, —
мисраларида устоз билан ўқувчи-шоғирд муносабатини, муаллим маънавияти билан шоғирд садоқатини, шунингдек, илм эгаллаш энг эзгу иш эканлигини, илм ганж — ҳазинадан ҳам усту турлини таъкидлаганини айтиб ўтилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Шарқнинг яна бир мутафаккири Саъдий Шерозийнинг «Бўстон», «Гулистон» асарларидаги адлу инсоф», ҳайр эҳсон, ишқу муҳаббат, сабру қаноат руҳи билан тўлиб-тошган таълим-тар-

бияга оид ҳикматлари айни пайтда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Биргина мисол:

Одамни ёмонлаб келса ёнингга,
Ул кимсани яқин тутма жонингга,
Ким сенга бошқалар айбон гапиргай,
Бошқалар олдига сендан лоф урғай.

Шоир бу мисралар орқали гийбатчилар-ҳасадгўйлар, иш бўғунчи, беёб кишилардан эҳтиёт бўлмоққа чакиради ҳамда ҳар бир кишининг ўзи ҳам ана шундай йўл тутмаслик зарурлигини таъкидлайди. Чунки бундай гийбатчи, беандиша шахслар дўстини дўстан, болани отадан айиради, аҳил ва иноқ оилалар ошига ваҳар солади, яқин қариндошларини беғоналаштиради. Бундай кимсалар ҳозирги кунларимизда ҳам ҳар бир маҳалла, қишлоқ ва жамоат ташкилотларида учраб туриши киши дилини ранжлатади.

Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши, ўрта ва олий билим даргоҳларида араб алифбосига асосланган ёзувнинг ўқитила бошланиши шарқона тарбия сари қўйилган катта, далил қадамдир. Нафақат эски Ўзбек ёзуви машғулотларида, балки инстиутларда ўтиляётган одобнома (этика), эстетика, дин тарихи, маданият тарихи кўрсаткичида донолар ҳикматларининг эски ёзув нусхаларидан фойдаланиш, чуқур таҳлил этиб бериш ҳам бўлажак касб эгаларида катта таассурот қолдириши, қизиқини уйғотиши шак-шубҳасиздир.

Ўринли МҶМИНОВ,
Қодиржон МАЛИКОВ,
Наманган савоат технология институтининг катта ўқитувчилари.

ҚУТЛАЙМИЗ!



Қадри устозимиз Шоди ОЧИЛОВ!

Умрингизнинг 40 йилни зинбаҳш касб — муаллимликка бағишлаб, ўқувчилар қатори биз ёш ўқитувчиларга ҳам сабоқ бердингиз. Сиздан олган илмларимиз ҳозирда маънавий суяғимиздир. Улуғ айём — 60 ёшга тўлган ушбу кунда Сизга барча шогирдларингиз, аввало, соғ-саломатлик, тетиклик ҳамда хонадонингизга хотиржамлик тилайди.

Когон район ҳалқ таълими бўлими, 3-мактаб жамоаси.

БИР ОЛАМ ШОДЛИК

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманидаги 24 болалар уйи тарбиячилари ҳам янги йилни интиқлик билан куттишганди. Бу йилги арча байрами тамоман ўзгача бўлди. Тарбиячилар тайёрлаган, Янги йил томошалари дастури хилма-хил қўшиқлар, ранг-баранг рақслардан иборат эди. Байрам тантанасига туман ҳокими Қудратилла Рафиқов таширф боюриб, кичкинтойларга турли совғалар, ўйинчоқлар топширди.

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти Янги йил арча байрамларини ўтказишга катта таъкилотчилик билан ёндашди. Шу мақсадда бир ярим миллион сўм маблағ ажратилди. Биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимов ҳайкали ўрна-

тилган туманининг марказий майдонига мактаб ўқувчилари учун «Асалом, Қорбобо!» томошалари бўлиб ўтди. Янги йилнинг анъанавий меҳмонлари бўлган Қорбобо ва Қорқиз иштирокидаги байрам томошаларида мактаб ўқувчилари набат билан қатнашди, турли аттракционлар, совғалар дўконлари, «Ешлик» вокал чолғу ансамбли, «Наврўз» музикали фольклор театри уларнинг хизматида бўлишди.

Ёш томошабинлар театри актёрлари «Олтин жўжа», «Балли, улочка», «Уч оғани» спектаклларида парчалар ижро этишди. Ун кун давом этган Янги йил байрами ўқувчиларга катта шодлик, қувонч келтирди.

З. ТУЛАГАНОВА.

Бағдодда араб маданияти. Ал-Маъмунийнинг хавотирли ўтган подшоҳлиги қисқа бўлган ҳам тарих унинг буюк аҳамиятга эга бўлганлигини эътироф этади. У дорилфунунларга асос солиди, ҳамма жойдан китоблар тўплади, кишиларни йиғиб, уларнинг янги-янги зафарларга эришувлари учун йўл очиб бериб ёки шу соҳадаги ишларга кўмаклашиб турдики, бу унинг самарали селтанатидан ажойиб хотира қолдирди. Ал-Маъмуний фани ҳам, хунармандчилигини ҳам рағбатлантириб турди. У Бағдод ва Дамашқ яқинида расадхоналар қурдирди. Бундан ташқари, бунёд этилган билимлар уйда олимлар фанининг турли соҳаларида иш олиб бордилар. Улардан ўнлаб кишилар юнон, форс, санскрит, шом (эски араб) тилларидан таржима қилиш билан шуғулланардилар. Адабиёт, фалсафа, фикр ва бошқа фанлар соҳасида мустақил иш олиб бориларди. Инсонпарвар мутафаккир ал-Маъмуний, бизнинг барча гоъларимиз тафаккур тарзимиз мезонига айланур, деб ишонарди. У ўтган асрда ташкил топган ва кўплаб илмий асарлар яратган фалсафий мактабни юксак қадрлар эди. Мутаъазийлар диний гоъларимизга ҳам ақл йўналтирилган бўлиши керак, ақдан текшириб кўрмасдан ва тўлиқ аниқлашмасдан туриб, ҳеч бир нарса қабул қилинмаслиги лозим, деб ҳисоблашарди.

Ал-Маъмунийнинг халифалиги. Ал-Маъмунийнинг бош ютуғи шунда эдики, у инсон тафаккури эркинлигига интиқлиди ва шунинг учун ҳам билимнинг барча соҳаларига кириб борди. У ўзини олим санамас, лекин шахсан ташкил эттирган Билимлар уйи — Дор ул-Хикмада мунтазам ўтказиладиган мунозараларда иштирок этиб турарди. Ал-Маъмуний сохта фикр эт эди, у суннийларга ҳам, шиаларга ҳам баравар муносабатда бўларди. Ҳатто, зардуштийлар ва бошқа ғайридинлар эътиқодларига нисбатан ҳам ақл билан иш тутарди. Шундай бўлса ҳам, унинг ўз эзгу гоълари бор эди. У бидъатчиларга тоқат қилолмасди, бунининг Бобакка муносабати кўрсатиб турарди. У аллома бўлибгина қолмасдан, ваъзият талаб қилганда лашкар-боши сифатида ҳам майдонга чиқариларди, Бобак ҳамда византияликларга қарши курашда у шундай қилди. Ал-

Маъмуний асосан ўзининг инсонпарвар дунёқароши, бутун фан раванқини рағбатлантирган ҳам тарих унинг буюк аҳамиятга эга бўлганлигини эътироф этади. У дорилфунунларга асос солиди, ҳамма жойдан китоблар тўплади, кишиларни йиғиб, уларнинг янги-янги зафарларга эришувлари учун йўл очиб бериб ёки шу соҳадаги ишларга кўмаклашиб турдики, бу унинг самарали селтанатидан ажойиб хотира қолдирди. Ал-Маъмуний фани ҳам, хунармандчилигини ҳам рағбатлантириб турди. У Бағдод ва Дамашқ яқинида расадхоналар қурдирди. Бундан ташқари, бунёд этилган билимлар уйда олимлар фанининг турли соҳаларида иш олиб бордилар. Улардан ўнлаб кишилар юнон, форс, санскрит, шом (эски араб) тилларидан таржима қилиш билан шуғулланардилар. Адабиёт, фалсафа, фикр ва бошқа фанлар соҳасида мустақил иш олиб бориларди. Инсонпарвар мутафаккир ал-Маъмуний, бизнинг барча гоъларимиз тафаккур тарзимиз мезонига айланур, деб ишонарди. У ўтган асрда ташкил топган ва кўплаб илмий асарлар яратган фалсафий мактабни юксак қадрлар эди. Мутаъазийлар диний гоъларимизга ҳам ақл йўналтирилган бўлиши керак, ақдан текшириб кўрмасдан ва тўлиқ аниқлашмасдан туриб, ҳеч бир нарса қабул қилинмаслиги лозим, деб ҳисоблашарди.

[Боши газетанинг ўтган сонларида]

Маъмуний асосан ўзининг инсонпарвар дунёқароши, бутун фан раванқини рағбатлантирган ҳам тарих унинг буюк аҳамиятга эга бўлганлигини эътироф этади. У дорилфунунларга асос солиди, ҳамма жойдан китоблар тўплади, кишиларни йиғиб, уларнинг янги-янги зафарларга эришувлари учун йўл очиб бериб ёки шу соҳадаги ишларга кўмаклашиб турдики, бу унинг самарали селтанатидан ажойиб хотира қолдирди. Ал-Маъмуний фани ҳам, хунармандчилигини ҳам рағбатлантириб турди. У Бағдод ва Дамашқ яқинида расадхоналар қурдирди. Бундан ташқари, бунёд этилган билимлар уйда олимлар фанининг турли соҳаларида иш олиб бордилар. Улардан ўнлаб кишилар юнон, форс, санскрит, шом (эски араб) тилларидан таржима қилиш билан шуғулланардилар. Адабиёт, фалсафа, фикр ва бошқа фанлар соҳасида мустақил иш олиб бориларди. Инсонпарвар мутафаккир ал-Маъмуний, бизнинг барча гоъларимиз тафаккур тарзимиз мезонига айланур, деб ишонарди. У ўтган асрда ташкил топган ва кўплаб илмий асарлар яратган фалсафий мактабни юксак қадрлар эди. Мутаъазийлар диний гоъларимизга ҳам ақл йўналтирилган бўлиши керак, ақдан текшириб кўрмасдан ва тўлиқ аниқлашмасдан туриб, ҳеч бир нарса қабул қилинмаслиги лозим, деб ҳисоблашарди.

Ал-Маъмунийнинг халифалиги. Ал-Маъмунийнинг бош ютуғи шунда эдики, у инсон тафаккури эркинлигига интиқлиди ва шунинг учун ҳам билимнинг барча соҳаларига кириб борди. У ўзини олим санамас, лекин шахсан ташкил эттирган Билимлар уйи — Дор ул-Хикмада мунтазам ўтказиладиган мунозараларда иштирок этиб турарди. Ал-Маъмуний сохта фикр эт эди, у суннийларга ҳам, шиаларга ҳам баравар муносабатда бўларди. Ҳатто, зардуштийлар ва бошқа ғайридинлар эътиқодларига нисбатан ҳам ақл билан иш тутарди. Шундай бўлса ҳам, унинг ўз эзгу гоълари бор эди. У бидъатчиларга тоқат қилолмасди, бунининг Бобакка муносабати кўрсатиб турарди. У аллома бўлибгина қолмасдан, ваъзият талаб қилганда лашкар-боши сифатида ҳам майдонга чиқариларди, Бобак ҳамда византияликларга қарши курашда у шундай қилди. Ал-



зоттилар форслар юртига соҳийлар императорлик қилган даврдан бир неча аср муқаддам Ҳиндистондан кучиб келган ғалати одамлар эди. Уша пайтда жотлар деб аталган бу жамоа аъзолари Дамашқ ва Фурот дарёлари кўшиқларини ҳайда пайдо бўлдилар. Кейинчалик уларни зоттилар деб номлай бошладилар. Табиатан шилқим бўлган улар тинчлигини ўйлашмасдилар. Кўпол ва сурбелтларга ҳаракат қилардилар. Доимо дайбид юриб, бирор жойда кўнми топишмасди. Зоттилар ал-Маъмуний подшоҳлигида ҳам ғалаён кўтариб турдилар, лекин бу даврдан кўтарилишлари анча чегараланган қўлмади ўтарди. Ал-Маъмуний подшоҳлигида эса улар катта кўзгоҳлон бошлаб, қарвонларни та-

лашга, Ироқ шаҳарлари ва кентларида боқинчилик қилшга ўтдилар. Ал-Маъмуний катъий қоралар кўриб, ниҳоят, 825 йилда исёнини бостирди ва зоттиларни Кичик Осиёнинг чекарроқ ўлкаси Сицилияга кўчирди. Уларнинг кўплари шу ерда ўрнашиб қолган бўлсалар, айрим қисми Оврўпога бориб, дайдилик турмуш тарзини афзал кўрди. Ҳозир кўплаб мамлакатларда учратилиш мумкин бўлган лўлилар деб аталадиган халқ шуларнинг авлодларидир.

Турк тансоқчилари. Бирин-

иғвогарликлариде қатнаша бошладилар. Кейинроқ улар порохурликка бериладилар, халифларни тахдан ағдариб, унга ўзлари чиқиб олишди. Романлар даврида цезарларнинг преторини гвардияси деб номланувчи тансоқчилари ҳам шундай қилган эдилар.

Ал-Маъмунийнинг феъл-атвори. Халифа сифатида у ўз савабларига ўшар, қатъий эътиқодли ва ҳаракатлари шиддатли одам эди. Ал-Маъмуний даврида гуллаб-яшнаб, араблар тафаккурига жадал ривож бағишлаган илмий, фалсафий тадқиқотларга монелик қилмасди. Шу тўғрисида маъмур соҳаларда тараққиёт давом этди. У византияликларга ўзини ҳурмат қилдирди, Самарра эса унинг даврида гўзаллик ифодаси бўлиб турди. У ҳукуматининг обрўси учун курашар, ғайри-динларга даҳшат солар эди.

Ал-Восиқ [842—849-йиллар]. Ал-Маъмуний ўрнига келган ал-Восиқ сунғи аббосий ҳукмдор бўлди. Бу жуда қобилятли, ишларда олижаноб, дунёқарашда холис раҳбар, кўрфикрлик учун улкан курашчи бўлиш билан бирга жаҳмиётнинг саҳоватлалаб эҳтиётларидан маблағ аямасди, фани рағбатлантириб турарди. Ҳатто дилхаш инсон, яхши соҳадор, сермахсул бастакор эди. Унинг даврида давлат ҳамма ишларни яхши йўлга кўя билди: санаот ҳамда Мағриб ва Маширқ ўртасида савдо-сотик ривожланиб, айни аббосийлар тўғрисида янги-янги юксак марраларга эриша борди. Бу чинкамани маърифатли ҳоким селтанатиде ҳам жаҳлатларистлар фаоллиги сабабли диний баҳслар авжида бўлди.

шоҳ ўч олиш учун қўшинлар бошида ўзи турди... Қарши кучлар Анисра остонасиде қўлашиб, Теофилис қақшатиқ зарба еди. Шундан кейин ал-Муътазим императорнинг ватани Амориумни қамал қилди. 50 кун давом этган қамалдан кейин ғалаба қозонилиб, бу шаҳар ҳам теп-текис қилинди. Кўп аҳоли ўлдирилди, қолганлари асир олинди, Бағдодде кул қилиб сотилди. Византияликлар ал-Муътазимдан ўч олиш иштиғи билан ёндадилар. Теофилисни қувиб келайтганда унга турк додхоси Афшин исён кўтарганлиги тўғрисидаги хабарни етказишди. Шунинг учун у тезда Кичи Осиёни тарк этиб, қайтишиде Афшинни қамоққа олди. Энди ал-Муътазим Константинополга ҳужумини давом эттириб, ҳозирлашни тўғрисида денгиз кучларига амр берди. Улар Константинополь томон йўл олаётганларида даҳшатли пўртана бошланиб, барча кемаларни алғов-далғов қилиб ташлади, уларнинг кўпи умуман дом-дараксиз йўқолиб, юришни тўхтатишдан бошқа илож қолмади. Бу жуда катта талфот эди.

Ал-Маъмунийнинг феъл-атвори. Халифа сифатида у ўз савабларига ўшар, қатъий эътиқодли ва ҳаракатлари шиддатли одам эди. Ал-Маъмуний даврида гуллаб-яшнаб, араблар тафаккурига жадал ривож бағишлаган илмий, фалсафий тадқиқотларга монелик қилмасди. Шу тўғрисида маъмур соҳаларда тараққиёт давом этди. У византияликларга ўзини ҳурмат қилдирди, Самарра эса унинг даврида гўзаллик ифодаси бўлиб турди. У ҳукуматининг обрўси учун курашар, ғайри-динларга даҳшат солар эди.

[Давом и бор.]

Кутубхоначи Шоира Насриддинова Тошкент шаҳридаги 24-мактабда ишлайди. Унинг ташаббускорлиги тўғрисида 50 мингга яқин жаҳон ва ўзбек адабиёти дурдоналари жамланган. Шунинг учун ҳам бу ердан ўқувчилар аримайди.

Шоирахон болаларнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишларини ошириш учун астойдил ҳаракат қилаётган. Ўтказилаётган турли ташкилий тадбирлар бунинг мисолдир.

СУРАТДА: моҳир нуршунос ёш китобсеварларга зарур асарларни танлашда кўмаклашмоқда.

Суратқаш Р. АЛЪБЕКОВ.



Суратқаш Р. АЛЪБЕКОВ.

Китоб жаҳонингизга НАМАНГАНЛИК ИЖОДКОРЛАР ТУҲФАСИ

Фаргона — гўзал водий, хос оҳанг билан, чуқур фалсафий мушоҳадалар билан ифода этади. «Расмини кўрсатган соқов ҳам тилга кирарди» дейди доно калқимиз. Ҳамма фанларни ўқитишда кўргазмали кўрол, ўқитишнинг техниканни воситаларидан фойдаланиш мўҳим аҳамият касб этади. Айниқса, тасвирий санъат фанини ўқитишда кўргазмасиз тасаввур қилиш қийин. Вилоят ўқитувчилар малякисини ошириш институтини ва шаҳар халқ таълими бўлимининг «Илғор иш тажрибалиридан» руҳини остида «Фидокор педагог» китобчаси шу масалага бағишланганлиги билан характерлидир.


Узбекистон мустақил давлат бўлган, таълим ва тарбия ҳамда фанларни ўқитиш борасида ҳам бир қанча сифат ўзгаришлари юз берди. Жумладан, информатика ўқитувчиларига ҳам анчагина янгилик олиб келди. «Ахборот ва электрон ҳисоблаш техникаси асослари» фанини ўқитиш ҳам анча мукаммаллашди, компьютер сифатлари кўпайди. Бу фанини ўқитиш лаборатория машғулотлари сифатида эътибор беришни тақозо қилади. Вилоят халқ таълими бошқармаси ўз тажрибаларидан келтириб чиқиб ўрта мактаб ва илғор техника билими юртовт ўқитувчилари учун ахборот ва электрон ҳисоблаш техникаси асослари фанидан масалалар ечиш бўйича махсус қўлланмани нашр этди.

Шунингдек, «Ахборот ва электрон-ҳисоблаш техникаси асослари» маҳкамасининг информатика фани ўқитувчилари учун методик қўлланма, тест усулида контрол савол-жавоб карталари, савол-жавоб контрол қорточкалари ҳақида ҳикоя қилувчи дидактик материаллари, айрим мавзуларни ўрганиш бўйиче методик қўлланмаси ҳам муҳим ҳужжатлар асосида яратилган.

Ашур Али АҲМАД ўғли.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Шуқур Шокиров НИШОНОВ



Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқув-методика Маркази маъмурияти чуқур қайғу билан шуни маълум қиладики, 1993 йил 10 январда Республика ўқув-методика Маркази илмий котиби, химия-биология бўлимининг мудири Шуқур Шокиров Нишонов 52 ёшида тўсатдан вафот этди. Ш. Ш. Нишонов 1964 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини химия-биология факультетини тамомлаб, ҲУФА ўқимлик моделлари институтини, Тошкент шаҳридаги мактабларда ўқитувчи, мактаб-интернат директори ва директор ўринбосари, Республика Халқ таълими вазирлиги мактаб-интернат бўлимида катта назоратчи, РУММ илмий котиби ва химия-биология бўлими мудири лавозимларда ҳалол, сидқидилдан меҳнат қилди ва Республикада халқ таълими ривожланишига муносиб ҳисса қўшди.

Самарали меҳнати учун Ш. Ш. Нишонов «УзССР халқ таълими аълочиси» нишони билан тақдирланган эди.

Камтарин инсон, фидойи муаллим, юксак фазилатлар соҳиби Ш. Ш. Нишоновнинг порлоқ хотираси қалбимизда абадий яшайди.

БИР ГУРУҲ УРТОҚЛАРИ,

Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқув-методика Маркази жамоалари шу Марказнинг илмий котиби, химия-биология бўлимининг мудири Шуқур Шокировч ИШОНОВ бевафт оламдан ўтганлигини чуқур қайғу билан маълум қилди ва марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдирди.

Хотира

1950-йиллар. Абдулла Тўқай кўчасидаги икки қаватли шинагина бинада турли илмий текшириш институтлари билан бир қаторда Тил ва адабиёт институти ҳам жойлашганди. Бу институтда кирқа яқин илмий ходим, бир неча аспирант тахсил кўрарди. Шу йили педагогика институти ва дорилфунунни битирган бир қанча толиби илмлар шу институти жамоасига келиб қўшилишди... Институти остонасига уялибгина кириб келган ишларни филология фанлари номзоди, катта илмий ходим Хосият Комилова очик чеҳра, қайноқ қалб билан кутиб олдилар, «Сизлар келажакда ажойиб тилшунос олимлар бўласизлар» — деб ишонч билдириб, кўнглимизни тоғдек кўтарди. Бу даврда фан номзодлари кўп бўлса ҳам, аммо фан докторлари деярли йўқ эди. Катта ва кичик илмий ходимлар, лаборантлар илмий тадқиқот ишларини олиб боришарди. Кичик шундаки, бу дағоқда ишловчи ходимларнинг энг каттаси ҳали эллика ҳам борманган эди. Уларнинг ҳаммаси бир ақли оила аъзоларидек ҳамдому ҳамқиқат эдилар. Ҳамқиқат бўлиши, ҳамжору ҳамқўст бўлиши биз ўша пайтлар-

ХОСИЯТ ОПАНИ ЭСЛАБ

да мана шу институтининг мўътабар домлаларидан ўрганган эдик. Бугун биз шогирдлар ўша аллома устозларнинг, жумладан тилшунослик раванқига, бизларнинг олма бўлишига катта ҳисса қўшган Хосият Комилованинг ёрқин хотирасини ҳурмат билан эслаймиз. Зеро, бу соддадил, беозор, покиза сиймонинг бошлага набира қувончларини бир дам тотмасдан, ёру дунёдан кўз юмганини биз шогирдлари қалбиде катта армон бўлиб қолган.

Хосият Комилова 1912 йилда шоиру донолар манзили бўлими Кўкон шаҳрида қосиб оиласида таваллуд топган. Ёш қизалоқ 5-болалар уйда ўқиб тарбияланган. 1930 йилларда Узбекистон хотин-қизлар билим юртида, сўнгра Самарқанд давлат дорилфунунинда тахсил кўрган. 1935—39 йилларда Бухоро педагогика олий ўқув ортида кафедра мудири бўлиб ишлади. У ўз фанини яхши кўрган, яхши билган ҳасос ўқитувчи, меҳрибон мураббий бўлган. 1939—41 йилларда эса Хосият Комилова Ленинграддаги Тил ва тафаккур ин-

ститутда ўқиди. «Ҳозирги замон ўзбек тилида воситасиз тўлдирувчи» мавзусидаги диссертациясини 1944 йилда муваффақиятли ҳимоя қилган олма умрининг охиригаче Узбекистон фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида тилшунослик тадқиқотлари билан шуғулланди. Хосият опа илмий ва жамоатчилик ишларидан ташқари, Низомий номи педагогика институтида ва ТошДДА талабаларга дарс берган. Институти ходимларининг, олимларининг қайғу ва қувончларига доимо шерик бўлган бу жонқуяр аёл таъкилотчилик ишларига ҳам, ишларнинг тақчилар билан шуғулланишига ҳам вақт топа оларди.

Хосият Комилова бир қанча монография, илмий тадқиқотларнинг муаллифи, Чунонки «Сон ва оломш» (1953), «Ўзбек тилида сўз бирикмаси» га доир, «Ҳозирги замон ўзбек тилида гада сузаларнинг боғланиши», «Ўзбек тилида тушум келишигининг функциялари» (1948), «Ўзбек тилида тўлдирувчи» (1949) ва бошқе илмий асарлари билан ўзбек тилшунослиги ривожига салмоқли улуш қўшганидиган да-

лолат беради. Қилган хизматлари назарда тутилиб, Хосият Комилова 1952 йилда Узбекистон фанлар академияси президиумида (филология олимлари орасида биринчи бўлиб) Узбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси унвонини олишга сазовор бўлган эди. 1959 йилнинг бошларида Хосият Комилова докторлик илмий ишини ёқлаш мақсадида Ленинградга борди. У ерда кўнни тунга улаб, ниҳоят илмий тадқиқотини тутатди. Аммо, минг афсуски, олма ўзининг эзгу ва муқаддас ниятларига ета олмади, 1961 йили — 49 ёшда дунёдан кўз юмди.

Сон-саноксиз гўзал фазилатлар соҳибаси, санъатга ошувта қалб эгаси, камтарин устозимиз Хосият опа Комилова ҳозир ҳаёт бўлганларида ўзларининг муборак 60 йшларини шогирдлари даврасида нишонлаётган бўларди.

Мақсуда СОДИҚОВА, филология фанлари доктори.

Жўраҳон ЖўРАЕВА, Динора НУРМУҲАМЕДОВА, Сайёра НИЗОМИДИНОВА, филология фанлари номзодлари.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти. МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35. Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32. Боснига топшириш вақти 20.00-Боснига топширилди 18.30.